

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУҲАДДИСЛАР СУЛТОНИ

Тошкент – 2006

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУҲАДДИСЛАР СУЛТОНИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

М 96

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>Ф.Рўзиева</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Муҳаддислар султони: *Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Ф.Рўзиева; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси. нашриёти, 2006.- 24 б.*

КБК 78.342+86.38

Муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий ислом дунёсида бетакрор муҳаддис ҳисобланади. Унинг бизгача бир неча ҳадис - лари етиб келган. Ушбу қўлланма Имом ал-Бухорий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда кутубхоналарга методик ёрдам бериш мақсадида тузилган.

© **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 й.**

МУҚАДДИМА

*Авф эт халқдин келса яхши-ю ёмон,
Адоватдан қочиб, роҳат қил инсон!
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қувилди шайтон!*

Бедил

Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгач, кўхна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимизга эътибор кучайиб, улуғ аждодларимиз – ўлмас асарлар яратиб кетган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини пухта ўрганиш ҳамда улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ана шундай зотлардан Абу Абдулла Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғийра ал-Бухорий ал-Жуъфий (Имом Исмоил ал-Бухорий) ислом оламида пайғамбар ҳадисларини тўплаган энг машҳур шахс бўлиб, унинг ёзган асарлари, Куръонга битган шарҳлари дин тарихида мислсиз аҳамиятга эгадир.

Уммавия халифаларидан бўлмиш Умар ибн Абдулазиз ҳадисларни келгуси авлодга етказиш йўлида илк қадамни қўйди. Унинг махсус фармонига биноан ҳадисларни жамлаш ва ёзишга қарор қилинди. Бу қутлуғ ишга Абдулмалик ибн Абдулазиз Журайх, имом Малик ибн Анас, ар-Робиъ ибн Субайх каби алломалар киришдилар. Кўп ўтмай бу майдонга имом Бухорий кириб келди ва ҳадис илмининг “олтин асри” бошланди. Пайғамбар ва саҳобалар номидан сохта ҳадис тўқиб тарқатишга шу йўсинда тўсик қўйилди. Бу муҳаддислар пешвоси эса Имом Бухорийдир.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, қайси бир китобини қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилсалар,

хаммаси ёд қолаверарди. Ул зот бутун фаолияти давомида ҳам илмий, имкони бўлса моддий жиҳатдан, одамларга, яъни Оллоҳнинг бандаларига бирор наф етказишни асосий мақсад деб билган.

Имом ал-Бухорий ғоятда беғубор, ҳалол-покиза, диёнатли инсон бўлиб, ғийбату-ноҳақликларга сира аралашмаган. “Ғийбат қилишлик ҳаром эканини билганимдан бошлаб, бирор киши ҳақида ҳеч қачон ғийбат гапирмаганман”, -деб мудом таъкидлаб келганлар, ул зот.

Имом ал-Бухорийнинг ёзиб қолдирган адабий ва илмий мероси, жуда сермахсул. Хусусан халқ ўртасида “Саҳиҳ Бухорий” номи ила машҳур бўлган “ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) номли шоҳ китоби, “ал-Адаб ал Муфрад” (Адаб дурдоналари) ва бошқа 20 дан зиёд асарлари шулар жумласидандир.

Юртимизда халқни имом Бухорий асарлари билан таништириш, у зотнинг ҳурмати жойига қўйиш давлат миқёсида олиб борилмоқда. Буюк бобомиз дафн этилган жой бутун дунё ташриф буюрса ҳам ҳавас қиладиган қадамжого айлантирилган.

Биз мазкур қўлланма алломанинг ҳаёти ва фаолияти, адабий ва илмий меросини яқиндан ўрганишда кутубхона ходимларига кўмак беради деб ўйлаймиз.

Аллома асарларини тарғиб қилишда кутубхона ходимлари шу мавзудаги адабиётларни ўрганиб, комплекс тадбирлар: давра суҳбатлари, конференциялар, билимдонлар беллашуви, баҳс ва мунозара кечалари, савол-жавоб кечалари, адабиётларнинг очик кўргазмалари кабиларни ўтказишлари мақсадга мувофиқдир.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарга диншунослар, адабиётшунослар, филологлар, журналистлар, ўқитувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Душан Файзий Зарафшоний

ТҶЙГА ТҶЁНА

Имом ал-Бухорийга қасида

Ассалом, ассалом Бухорий бобо,
Маъракангиз кутлуғ, эй буюк даҳо,
Турон заминида табаррук сиймо,
Бугун таъзимдадир исломий дунё,
Кутлуғ тўйингизга тўёнамиз бор,
Бу қадим удумдир, мозийдан ёдгор.

Шухратингиз шавқи оламни тутди,
Довруғи барча юрт, элларга етди,
Жаҳолат чекиниб, ол тонглар ортди,
Дилларда йиғилган армонлар кетди.
Қабрингиз пойида зиёратдамиз,
Аллоҳ раҳматига шукронадамиз.

* * * *

Пойони – Самарқанд, сайқали жаҳон,
Деҳи Хартанкдир - абадий макон,
Қадим Афросиёб, замини Турон,
Жамул-жам дунёдир, эътиқод-иймон,
Не тонг- бу тақдирнинг ҳидоятидир,
Аллоҳим иродаси – иноятидир.

* * * *

Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор,
Унинг чакмонига энг бўлар ким бор,
У ўзи – энг буюк, энг бўлар ким бор,
Ишлари шунингдек ўнг бўлар ким бор,
Фақат Бухорийнинг ўзи келар тенг,
Ва ўз чакмонига ўзи бўлар энг

МУҲАДДИСЛАР ИМОМИ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг султони деб ҳам юритилади. Имом ал-Бухорийнинг исми – Муҳаммад, куняси – Абу Абдуллоҳ, лақаби баъзан имом ал-муҳаддисийн, баъзан амир ул-мўъмийн фил-ҳадийс ва насаби – Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ибн Базазбеҳдир. Сўнгги исми – ибн Бардазбеҳ ибн Базазбеҳдан кўриниб турибдики, Имом ал-Бухорийнинг асл насаби ажамликларга бориб тақалади.

Имом ал-Бухорий отасининг исми Исмоил, куняси Абул Ҳасан бўлиб, даврининг етук муҳаддисларидан саналган, у Малик ибн Анаснинг шогирди ва яқинларидан бири бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган. Онаси тақводор, диёнатли ва оқила аёл эди. Ул зот эл орасида Оллоҳ таолога илтижо этиб, мудом дуо ўқиб юрадиган покиза аёл сифатида танилганлар (Ибн ҳажар ал-Асқалоний. Муқаддимат ал-фатх, 479-бет).

Маълумки, имом ал-Бухорий ёшлигида кўзи жароҳатланиб, кўриш қобилияти сусайган ва табиблар ҳарчанд уринмасин уни даволай олмаганлар. Кунлардан бир куни Ал-Бухорийнинг онаси тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўрганда ул зоти шариф бу мушфиқа онага қарб: “Эй волида, сенинг беҳисоб дуоларинг шарофатидан Оллоҳ таоло ўғлингга мукамал кўриш қобилиятини қайтарди”,-дея хитоб қилганлар. Она уйқудан уйғонса, ўғли Муҳаммаднинг қароғларида нур жилваланиб турганини кўрган (Ўша асар, 478-бет).

Имом ал-Бухорий азал-азалдан илм-фан ва маданият борасида донг таратган Бухоро шахрида таваллуд топган. Жамий муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илмининг султони (амирул мўминин фил-ҳадийс), саййидул фуқаҳо каби улуғ рутбаларга муяссар бўлиб, пайғамбар алайҳиссаломнинг

муборак ҳадисларини эъзозлаб, уларни тарих қатларига муҳрлаб кетган улуғ зот – Имом ал-Бухорий ҳижрий 194 шаввол ойининг ўн учинчи кунда салотул жумъадан кейин (мелодий 810 йил 21 июл) дунёга келганлар.

Имом ал-Бухорийнинг отаси у болалигидаёқ вафот этиб, бола тарбияси онаси зиммасига тушган. У 5-6 ёшдан исломий илмларни, пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга киришади. Таникли муҳаддислар – ал-Доҳилий, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган. Азалдан муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Имом ал-Бухорий 16 ёшга етгунча ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, улардан сабоқ олган. Шундан сўнг исломий илмлар маркази, пайғамбар алайҳиссаломнинг Ватани, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас диёр, Расуллулоҳ саҳобаларининг маскани, ислом динининг маркази Ҳижози шарифга йўл олган. Имом ал-Бухорийнинг котиби Ибн Абу Ҳотам ал-Варракнинг бу хусусда берган далолатига кўра ул зот мудом шундай дер эканлар: “Ёшим ўн олтига чикқач, Ибн ал-Муборак ва Васкийнинг китобларини ёд этиб, сўнгра асҳоблур-рай каломларини билиб олган эдим. Кейин онам ва акам билан бирга ҳаж сафарига жўнадим” (Аш-шайх Комил Муҳаммад Авайда. Ал-Имом ал-Бухорий, 7–бет).

825 йили Имом ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккаи мукаррамага келган, ҳаж ибодатини адо этганидан кейин онаси ва акасини Ватанига кузатган, ўзи Макада қолган ва бу муқаддас шаҳар машойихларининг илмий йиғинларида қатнаша бошлаган.

Бухорий 827 йилда, яъни 18 ёшида пайғамбар алайҳиссаломнинг раъза мубораклари қўйилган муқаддас

шаҳар Мадинаи мунавварага етиб келганлар. Мадинадаги машҳур уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн-Абдуллаҳ, Иброҳим ибн Ҳамза ва бошқалар билан мулоқотда бўлиб улардан ҳадислар бўйича илм олган. Бу вақтда Расуллулоҳнинг саҳобалари, саҳобаларининг издошлари турли мамлакатларга тарқаб кетган эдилар. Шундай шароитда Муҳаммаднинг ҳадисларини тўплаш учун турли шаҳар ва мамлакатларга боришни тақозо қилар эди. Бир неча тарихчиларнинг таъкидлашича, Бухорийнинг Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган рихлати олти ой давом этган. Сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, у ердаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади. Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. Ул зотнинг бу саъйу кўшишлари ва бу вақтда Бухорода ҳукмронлик қилган Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зухлийга хуш келмайди. Шу сабабли Имом ал-Бухорий Бухорони тарк этиб, Пойкандга, кейин эса Самарқандга келади. Лекин Имом ал-Бухорий Бухорода бошланган фитна Самарқандга ҳам етиб келганидан хабар топиб, унинг аҳли худди Пойканддаги каби икки гуруҳга бўлингани, бир гуруҳ уни қўллаб-қувватлашини, иккинчи гуруҳ эса унга муҳолифлик кайфиятида эканини билгач: “Оллоҳим, даргоҳинг нақадар кенг бўлгани билан ёруғ дунё менга торлик қилиб қолди, энди мени ўз раҳматинга қабул эт”, деб дуо қилганлар (Ал-Муборақфурий. Сийрат, 63-64 бетлар). Шундан кўп ўтмай Бухорий оғир бетоб бўлиб қолган ва ҳижрий 256 йилнинг Рамазон ҳайити (Ийд ал-фитр) кечасида (мелодий 870 йил 31 август) Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этади.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МЕРОСИ

Бухорий бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаган. Тижорат қилганда топган даромадидан ойига беш юз дирхамдан фақиру мискинларга, илм толибларига сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган.

Имом ал-Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган. Уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Бухорий жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисни ёддан билган. У ўзининг ноёб қобилияти, иқтидори, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан илм аҳлларини лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини баҳшида этиш Бухорийга шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди.

Имом ал-Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” номли шоҳ асари, ислом дини алломаларининг далолатига кўра, Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Бухорийнинг бу йирик асарида, муаллифнинг ўзи ҳам, бошқа олимларнинг таъкидлашича ҳам, 600 000 ҳадисдан сараланиб, саҳиҳлари танлаб олинган ва 16 йил давомида таълиф этилган. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган.

Бухорий яратган “Ал-Адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) одоб-ахлоқ хусусидаги энг саҳиҳ ҳадисларни ўзида мужассам этган асари зўр тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. Бу асарда 1322 ҳадис ва хабар

644 бобда жамланган бўлиб, у Ҳиндистон, Туркия ва Мисрда бир неча бор чоп этилган. 1990 йилда эса олим Шамсиддин Бобохонов ўғирган ўзбекча таржимаси нашр этилган.

Азалдан муҳаддислар ўртасида ровийларни кўпинча асл исмлари билан эмас, кунялари билан аташ одат бўлган. Бу ҳол ўз навбатида ровийларни бир-бири билан алмаштириб юборилишига ва хатоликларга йўл қўйилишига сабаб бўлган. Шу боисдан Имом ал-Бухорийнинг ровийларнинг куняларига бағишланган “Китоб ал-куна” (Кунялар ҳақида китоб) номли асари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу асар Ҳиндистонда 1940 йилда чоп этилган.

Бухорийнинг “Ат-таърих ал-кабийр” (“Катта тарих”) китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинган. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Шунингдек, “Ат-таърих ас-сағийр” (“Кичик тарих”) ҳам ҳадис тарихига оид қимматли асар ҳисобланади. Бухорий яратган “Китоб ал-фавонд” (“Фойдали ашёлар ҳақида китоб”), “Ал-Жомийъ ал-кабийр” (“Катта тўплам”), “Халқ афъол ал-ибод” (“Аллоҳ бандалари ишларининг табиати”), “Ал-муснад ал-кабийр” (“Катта таянч”), “Китоб ал-хиба” (“Хайр-эҳсон ҳақида китоб”) ва бошқа асарларининг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Унинг асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилфунунларида пайғамбар (ас) суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Жамоат арбоблари, олиму уламолар ва дин пешволари Бухорий асарларига таяниб иш тутадилар.

Истиклол шарофати билан Имом ал-Бухорийнинг ўлмас мероси эл-юрт бағрига қайтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини

нишонлаш тўғрисида”ги қарори (1997 й. 29 апр.) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 йил 23 октябрда Самарқандда тўй-тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ

Самарқанддаги меъморий ёдгорлик, зиёратгоҳ, Имом ал-Бухорий дафн этилган Челақ тумани Хартанг қишлоғидаги қабристон мусулмон аҳлининг энг табаррук ва азиз зиёратгоҳларидан бўлиб келган. XVI асрда Имом ал-Бухорий қабри устига мўъжазгина мақбара, ёнига масжид қурилиб, ҳовлисига бир неча туп чинор экилган. Лекин шўро тузуми давридаги даҳрийлик сиёсати туфайли бу маскан қаровсиз аҳволга тушиб қолган. Ўзбекистон мустақилликка эриш- ганидан сўнг Имом ал-Бухорий каби бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат, диёнат йўлига бахшида этган улуғ зотлар хотираларини эъзозлаш, улар номлари билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилга бошлади. Алломанинг 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Имом ал-Бухорий мақбараси ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи барпо этилди.

Мажмуа авваламбор зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Бу ерда ҳадис илмини ўрганиш ва бошқа маърифий ишларни амалга ошириш ҳам кўзланган. Мажмуа қошида кутубхона мавжуд бўлиб, унда Қуръони Каримнинг ноёб қўлёзмалари, турли нашрлари, Имом ал-Бухорий асарларининг нашрлари ва бошқа китоблар сақланади.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳозирда тақводор инсонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган бўлиб, бу маскан маънавий сарчашма вазифасини ўтамоқда.

ИМОМ АЛ –БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

Алломанинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил 4 ноябрда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди. Жамғарманинг асосий вазифаси Қуръони Карим ва Бухорийнинг “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ” таржималарининг академик нашрларини тайёрлаш, буюк исломшунослар илмий меросини тадқиқ этиш, диний-фалсафий мавзуларда илмий анжуманлар ўтказиш ва шулар ёрдамида ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. 2000 йилдан эътиборан жамғарма ўзининг “Имом ал-Бухорий сабоқлари” маънавий-маърифий, илмий-адабий журнални нашр эта бошлади. Журнал халқимизни миллий-маънавий меросимиздан баҳраманд этиш, миллий, диний кадриятларнинг соғлом идрок этилишига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистонда Бухорийнинг хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган. Тошкент Ислом институтига Имом ал-Бухорий номи берилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, 2 қисмли фильм (1995), “Ҳадис илмининг султони” 4 қисмли киноқисса (1998) яратилган.

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИМОМ АЛ –БУХОРИЙ ҲАҚИДА

Буюк мусулмон алломаларининг Ал-Бухорийга берган юксак баҳолари ҳақида гап кетганда олти улуғ муҳаддисдан бири Ан-Насмийнинг мана бу фикри ғоят эътиборга сазовордир: “Ҳадисга бағишланган машҳур тўпламларнинг барчаси ичида Муҳаммад ибн Исмоилнинг китобидан яхшироқ китоб йўқ”. Машҳур аллома Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Ҳоким ан-Найсабурий эса шундай деганлар: “Муҳаммад ибн Исмоил – оллоҳ уни раҳматига олсин – ал-усул, яъни ҳакамлар усули ҳақида фақат ҳадислардан таълиф этиб, одамларга уни батафсил баён қилиб берган. Ундан кейин бу борада ижод қилиб, фаолият кўрсатганларнинг барчаси маълумотларни фақат унинг шу китобидан (кўчириб) олганлар”.

Йирик ҳадисшунос Аҳмад ибн Ҳанбал: “Шу пайтгача Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдек буюк аллома етишиб чиққан эмас”,-деб унга юксак баҳо берган.

Мовароуннаҳрнинг шайхи Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Жуъафий ал-Бухорий (ул зот ал-Муснидий номи билан машҳур бўлганлар) шундай деган: “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий буюк олимдир (имомдир). Кимки уни буюк олим деб билмаса, гуноҳкордир”.

Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган муҳаддисларидан бири Абу Закариё Яхъя ибн Жаъфар ибн Аъён ал-Бухорий ал-Пойқандий: “Агарки ўз умримдан олиб Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг умрига кўшиш имкони бўлганда эди, мен ҳеч ўйламасдан шундай қилардим. Зеро, мен вафот этсам бир киши вафот этади, аммо Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этса, илму ирфон барҳам топади”,-деганлар.

Йирик ҳадисшунос Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ад-Дорамийдан

қандайдир бир ҳадис ҳақида сўраб: “Бу ҳадисни Имом ал-Бухорий саҳиҳ (ишончли) деб ҳисоблаган”, деганларида ул зот: “Муҳаммад ибн Исмоил мандан кўра анча зийрак, оллоҳ бандалари ичида у энг ҳозиржавобдир. Нимаики буюрилган бўлса, ҳаммасини Оллоҳдан идрок қилиб қабул қилган, нимаики Оллоҳнинг китобида (Қуръонда) ва пайғамбар тилида рад қилинган бўлса, у ҳам рад этган. Агар у Қуръон кироат қилса, у тамоман унинг қалбини, бутун фикри зикри-ю басарини ўзига ром қилган. У Оллоҳнинг кўпдан-кўп мисоллари хусусида теран тафаккур қилган, ҳаромини ҳалолдан ажратиб мулоҳаза юритган”,-деб айтганлар.

Биз мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаганимиз сари Имом ал-Бухорийнинг муборак сиймосини янада яққолроқ тасаввур этиб, ул зот биз авлодларга қолдириб кетган бой хазинани тобора кўпроқ қалбимизга жо қилиб бормоқдамиз. Биз алломанинг бугунги аждодлари учун бу буюк саодатдир. Шу саодат барчамизга бир умр ёр бўлиб қолаверсин!

**ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ”
АСАРИ БЎЙИЧА КИТОБХОНЛАР
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ЙЎЛ-ЙЎРИҒИ**

Ушбу асар бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Китобхонлар конференциясини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1-2 ой олдин бошланади. Аввало конференция эълони ёзилиб ташкилотлар, жамоа, турли муассасаларга, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларига эълон юборилади ва конференцияда иштирок этувчи китобхонларга таклифномалар юборилади. Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение орқали ўтказиладиган конференция ҳақида хабар бериш унда кўпчиликнинг иштирок этишини таъминлайди. Конференция учун аудитория танлаб безатилади.

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Кўргазмадаги адабиётлар бўйича обзор ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Конференцияни кутубхоначи ёки фаол китобхонлардан бири олиб бориши мумкин. Конференция давомида китобхонлардан, иштирок этувчилардан мавзу бўйича саволлар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференцияни янада қизиқарли ўтиши учун унинг асарларини таржима қилган таржимонларни, тадқиқотчиларни, файласуфлар, тарихчилар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, диншунослар, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси вакиллари таклиф қилиш мумкин.

ИМОМ АЛ –БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ” АСАРИДА ИЛМ-МАЪРИФАТГА БАҒИШЛАНГАН ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай деганлар: “Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расуллулоҳ салаллоҳу алайҳи вассалламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Расуллулоҳ салаллоҳу алайҳи вассалам: “Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эмас, бири – кишига Аллоҳ таоло ҳалол молдунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”,-деганлар”.

Расуллулоҳ салаллоҳу алайҳи вассалам айтганлар: “Илмга эътиборсизлик, нодонлик, арақхўрлик ва зинокорликнинг оммавий тус олмоғи қиёмат аломатларидандир”.

Расуллулоҳ айтганлар: “Тушимда менга бир идишда сут келтирилди, тўйгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чикқанини кўрдим”. Саҳобалар сўрадилар: “Ё

расуллулох, сутни нимага йўйдингиз?” “Илмга”,-дедилар Расуллулох салаллоху алайҳи вассаллам.

Жаноб Расуллулох такаллуф қилмай илму ҳикмат билан ҳукм қиладиган ва бошқаларни ҳам шунга ўргатадиган одамни мақтадилар. Халифалар илм аҳлига маслаҳат солмоқлари, улардан билмаганларни сўрамоқлари лозим бўлади.

Музоҳим ибн Зуфар дейдилар: “Бизга Умар ибн Абдулазиз бундай дедилар: -“Беш хислат мавжудки, қози улардан бирида хатоликка йўл қўйса, ўзига гуноҳ орттиргай. Булар – фаҳм-фаросатлилик, хушмуомалалик, ҳалоллик, матонатлилик ва илмга чанқоқликдур”.

Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Ҳазмга бундай деб ёзган эди: “Расуллулох салаллоху алайҳи вассаллам айтган сўзлардан нимаки бўлса, ҳаммасини кўриб чиқиб, ёзиб борғил, чунки мен уламоларнинг вафотидан сўнг илмнинг йўқ бўлиб кетишидан қўрқаётирман. Фақат Расуллулох ҳадислари қабул қилинсин. Уламолар илм ўргатишга, илм тарқатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар, зеро илм ошкор қилинса, ҳалокат бўлмайди!”

Аллоҳ таоло ояти каримасида: “Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярақлаб, мартабасини улуғ қилғайдур, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир. Аллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардор”,-дейилган. Яна бошқа ояти каримада эса: “Ё раббий, илмимни зиёда қилғайсен, деб айт!”-дейилган.

Мужоҳид айтганлар: “Уялган киши илм ололмайдир. Уялган киши ва мутаққабир киши илм ололмайдир”. Ойша онамиз айтганлар: “Аёлларнинг яхшиси ансория аёллар. Динни теран ўрганмоқлари учун уларга ҳаё монёлик қилмади”.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА УНИНГ МЕРОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Билимдонлар беллашувига савол-жавоблар

1. “Саҳиҳ” (таълиф этилган тўпламларга фақат тўғри, ишонarli ҳадисларни киритиш) йўналишининг асосчиси ким?

(“Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси ислом оламининг энг етук ва машхур муҳаддиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир).

2. Имом ал-Бухорий қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Имом ал-Бухорий ҳижрий 194 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топганлар).

3. Бухорийнинг устозлари ким?

(Бухорий таниқли муҳаддислар ал-Доҳимий, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган ва уларни устозлари деб билган).

4. Имом ал-Бухорий қанча ҳадис тўплаган?

(У жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисни ёддан билган).

5. Алломанинг қайси асари “шоҳ асар” ҳисобланади?

(Унинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” номли асари “шоҳ асар” деб аталади ва Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади).

6. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарини Бухорий неча йилда ёзган?

(Бухорий бу асарини 16 йил давомида ёзган бўлиб, 600 000 минг ҳадис ичидан саҳиҳларини саралаб олиб ёзган).

7. Имом ал-Бухорий неча ёшидан китоб ёзишни бошлаган ва улар нечта?

(Имом Бухорий йигирма ёшларидан китоб ёза бошлаганлар ва уларнинг сони йигирмадан ортиқдир).

8. Алломанинг қайси асарида одоб-ахлоқга оид ҳадислар мужассам этилган?

(Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) асари одоб-ахлоқ хусусидаги энг саҳиҳ ҳадисларни ўзида жамлаган).

9. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси қачон ташкил этилган?

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси 1998 йил 4 ноябрда тузилган).

10. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи қаерда ва қачон ташкил этилган?

(Алломанинг 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Имом ал-Бухорий мақбараси ўрнида (1998 й.), яъни аллома абадий кўним топган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилди).

11. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари қачон ўзбек тилига таржима қилинган?

(Унинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” деб номланган 4 жилддан иборат китоби Қомуслар Бош таҳририяти томонидан 1991-1996 йилларда биринчи марта арабчадан ўзбек тилига таржима қилинган).

12. Имом ал-Бухорий қачон вафот этган?

(Аллома ҳижрий 256 йилнинг Рамазон ҳайити (Ийд ал-фитр) кечасида (мелодий 870 йил 31 август) Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этган).

13. “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қачон чиққан?

(Бу санани нишонлаш тўғрисидаги қарор 1997 йил 29 апрелда чиққан).

14. Имом ал-Бухорий неча ёшида ҳаж сафарига борганлар?

(Имом ал-Бухорий 16 ёшдан ўтганда онаси ва акаси Аҳмад билан Маккаи мукаррамага етиб келганлар ва ҳаж ибодатини адо этганлар).

15. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”нинг ғарб тилларига таржималарини биласизми?

(Оврупаликлардан дастлаб Крейзон деган олим “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”ни инглиз тилига таржима қилган ва 1879 йилда Белк деган шаҳарда ўн жилдда нашр этилган. 1935 йилда олмониялик аллома Муҳаммад Асад (исломни қабул қилгач шу исмни танлаган) мухтасар изоҳ ва ҳошиялари билан икки жилдда нашр этган. Асарни Аҳмад Найим турк тилига таржима қилган. 1903 – 1914 йилларда француз тилига таржимасини О.Ҳадас ва В.Мирсиус исмли олимлар қилганлар. Мазкур таржима 1984 йилда Парижда нашр этилган).

**“ИМОМЛАР ИМОМИ” МАВЗУСИДА КИТОБ
КЎРГАЗМАСИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАХМИНИЙ РЕЖАСИ**
Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин

1. “Имом ал-Бухорий ва маънавий тарбия”

*Амал қилиши ёки қилмаслигидан
қатъи назар, илмдан бир боб ўрганган
кимсанинг амали минг рақат нафл
намозини ўқигандан афзалроқдир.*

Ҳадис.

Бу бўлимга Имом ал-Бухорийнинг иймон-эътиқод, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик мавзуларига бағишланган ҳадислари ҳақидаги адабиётлар қўйилиши мумкин.

2. “Имом ал-Бухорий – муҳаддислар султони”

*Илм ўрганиши ниятида йўлга
чиққан кимсанинг қадамини Аллоҳ
таоло энгил қилади.*

Ҳадис

Бу бўлимга имом ал-Бухорий ҳаёти ва у кишининг қаламига мансуб асарлар ҳақидаги адабиётлар қўйилиши мумкин.

3. “Мозийдан таралган зиё”

*“Уялган киши илм ололмайди.
Уялган киши ва мутаккабир киши
илм ололмайди”.*

Ал-Жомий ас-саҳиҳ

Бу бўлимга алломанинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари ва унга кирган ҳадислар, асарнинг арабча шарҳлари, бу асарга бағишланган бошқа асарлар ва таржималар, асарнинг ғарб тилларига таржималари ҳақидаги адабиётларни қўйиш мумкин.

КУТУБХОНАЛАРДА ЎТКАЗИШ МУМКИН БЎЛГАН ТАДБИРЛАР ТУРКУМИ

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан қишлоқ кутубхонасигача ҳар бир кутубхона тadbирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Мавзули кеча

1. “Имом ал-Бухорий номи билан...”
2. “Имом ал-Бухорий – буюк аллома”.

“Эътиқод зиёси” мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” – Имом ал-Бухорийнинг шоҳ асари.

2. “Ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) одоб-ахлоқ хусусидаги энг саҳиҳ ҳадислар тўплами.

“Ҳадис илмининг билимдони” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Икки дунё саодати: Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг назарий талқини хусусида”.

2. “Мозийдан таралган зиё: Имом ал-Бухорий ва маънавий тарбия хусусида”.

“Таълим-тарбия ва аждодларимиз мероси” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Ҳадисшунос ва тасаввуф илмининг олимлари билан.

1. Жузжоний Абдулҳаким
2. Шайх Абдулазиз Мансур.
3. Маҳмуд Жўшон.

Конференция

1. Имом ал-Бухорий ҳадисларининг тарбиявий аҳамияти.

2. Имом ва уламоларнинг фазилати ҳақидаги ҳадислар.

3. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарининг аҳамияти.
4. Имом ал-Бухорий ҳадислари ҳаётга.
5. Ҳадислар ёвузликка қарши.

Адабиётлар

Азим Суён Эътиқод зиёси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1990.-30 март.

Ал-Бухорий Имом Исмоил. Ал-Адаб Ал-муфрад (Араб дурдоналари).-Т.: Ўзбекистон, 1990.-199 б.

Ал-Бухорий Имом. Илму маърифат нури: Сайланма ҳадислар: Илм. Ватан. Инсон. Маърифат. Матонат.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-111 б.

Ал-Бухорий Имом. Солиҳ амаллар: сайланма ҳадислар: Ахлоқ. Одоб. Иймон. Эътиқод.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-112 б.

Ал-Бухорий Имом. Эр ва аёл бурчи: сайланма ҳадислар: Оила. Никоҳ. Аёл. Фарзанд. Мерос.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-11 б.

Ал-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурурий. Сийрат ал-Имом ал-Бухорий //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2004.-№3.-Б.167-171.

Ахмадхон Доктор “Асоми шуйух ал-Бухорий” //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2005.-№2-3.-Б.89-92.

Бухорий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2-жилд. Бешиқ-Гидрофизика. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001.-Б.278-281.

Жабборов Н. Имом ал-Бухорий ва Хожа Аҳрор Валий //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2004.-№3.-Б.183-185.

Икки дунё саодати: (Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг назарий талқини /Талқин ва изоҳлар муаллифи А.Ўктамов.- Т.: Чўлпон, 1998.-55 б.

Имом ал-Бухорий – муҳаддислар султони /Нашрга тайёрловчилар:Усмонхон ҳожи Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли [Таҳрир ҳайъати: А.Мансуров, Н.Иброҳимов, Н.Тўхлиев, А.Ҳасанов] .-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-111 б.

Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида.-Т.:Ўзбек миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003.-313 б.

Мозийдан таралган зиё. Имом ал-Бухорий /Масъул муҳаррир А.Азизхўжаев; Муаллифлар жамоаси: А.Ҳакимов, Б.Аҳмедов, Э.Ртвеладзе ва бошқ.-Т.: Шарқ, 1998.-181 б.

Мухитдинова Д. Имом Бухорий мероси Фарб олим - лари нигоҳида //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2005.-№1.- Б.10-11.

Носиров К. Таълим-тарбия ва аждодларимиз мероси: [Ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Фарғоний, ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Бобур кабилар меросидан] //Бошланғич таълим.-1999.-№1.-Б.20-21.

Отамуродова Р. Имом ал-Бухорий ва маънавий тарбия //Халқ таълими.-2002.-№1.-Б.38-40.

Уватов У. Буюк муҳаддислар. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий /Масъул муҳаррир М.Хайруллаев.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-63 б.

Уватов У. Муҳаддислар имоми /Масъул муҳаррир А.Мансуров.-Т.: Маънавият, 1998.-88 б.

Қодирова М. Бухорий номи билан //Тафаккур.-2000.- №4.-Б.93.

Мундарижа

Муқаддима	3
Тўйга тўёна	5
Муҳаддислар имоми	6
Имом Ал-Бухорий мероси	9
Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи	11
Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси	12
Буюк алломалар Имом Ал-Бухорий ҳақида	13
Китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи..	14
Имом Ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарига илм-маърифатга бағишланган ҳадислардан намуналар..	15
Билимдонлар беллашувига савол-жавоблар	17
Китоб кўрғазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси	19
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	20
Адабиётлар.....	22

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___” январь
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т.300 нусха. Буюртма №____

Тошкент ш., Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди